

Journal of New Century Innovations

VOLUME

10

ISSUE-2



Journal of new
century innovations

Exact and natural sciences

Pedagogical
sciences

Social sciences
and humanities

Engineering and
Medical Sciences

AREAS

ISSN (p): 2181-3671
ISSN (e): 2181-368X



Google
Scholar



newjournal.org

**“МАЙМУН ЧЕЧАГИ” КАСАЛЛИГИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

Н.А. Қўшназарова, М.Б.Ишмуродов, И.О.Эргашов

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институти

Аннотация: Covid-19 пандемиясидан кейин юқумли касалликлар тарқалиши ва эпидемиологияси, белгилари, профилактик чора тадбирлар дунё хамжамиятини тобора кўпроқ қизиқтириб бормоқда. Шундай касалликлардан бири маймун чечаги бўлиб, у ўтган асрнинг ўрталаридаёқ инсониятга маълум бўлган касаллик ҳисоблансада, бугунги кунга келиб дунёнинг 20дан ортиқ давлатларида касалликнинг тезлик билан тарқалиши дунё олимларини яна бир бор хушёрликка чорламоқда. Ушбу мақолада биз маймун чечаги эпидемиологик ва клиник ўзига хослиги, профилактикаси ҳақидаги маълумотларни жамлаган ҳолда таҳлил қилдик.

Калит сузлар: *маймун чечаги, Африка давлатлари, поксвируслар, эпидемия*

Муаммонинг Долзарблиги Маймунчечак — одамларга ҳайвонлардан юқадиган, кам учрайдиган вирусли касаллик. 1950 йилларнинг охирида лабораторияда макака маймунларида аниқланган ва 1970 йилларда инфекция биринчи марта одамда қайд этилган. Касалликни 1968 йилда чечак йўқ қилинган ҳудудда яшовчи 9 ёшли бола юқтириб олган. Шундан сўнг инфекциянинг кўп ҳолатлари Конго ҳавзаси ва Ғарбий Африканинг тропик ўрмонларининг қишлоқ жойларида аниқланган. 1996-1997 йилларда Конго Демократик Республикаси аҳолиси орасида маймунчечакнинг катта эпидемияси кузатилган. 2003 йилда АҚШда касалликнинг бир нечта ҳолатлари аниқланган. Шундай қилиб, хавfli инфекция биринчи марта Африка китъасидан ташқарида тарқалган. Аниқланишича, чечакка чалинган маймунларнинг аксарияти касалликка

чалинган итлар билан алоқада бўлган. Итлар бу касалликни Африкадан келтирилган кемирувчилардан юқтириб олган.

Эпидемиологик хусусиятлари: Маймун чечаги касаллиги илк бор 1958 йил Конго Республикасида аниқланган ва Конго Демократик Республикасида рўйхатга олинган беморларнинг 10 фоизида касаллик ўлим билан тугаган. 1970 йиллардан бошлаб чечакка қарши мажбурий эмлашни бекор қилиш, ушбу инфекцияга мойил бўлган одамлар сонининг кўпайишига ва одамларда касаллик ривожланишига хос шароитлар пайдо бўлишига олиб келди. Шу билан бирга, аҳоли орасида чечакка қарши иммунитетнинг паст даражаси иммунитетга эга бўлмаган шахсларда касалликнинг клиник кўринишининг кучли намоён бўлишига олиб кела бошлади. (*Ellis C. K., Carroll D. S., Lash R. R. et al. Ecology and geography of human monkeypox case occurrences across Africa // J. Wildl. Dis. – 2012. – Vol. 48, N 2. – P. 335–347.*)

1996 йил бошларида ЖССТнинг одамларда маймун чечагига қарши курашиш маркази касалликнинг фақат алоҳида ҳолатларда Африканинг ғарбий ва марказий минтақаларидаги нам тропик ўрмонларда чойлашган қишлоқларда вақти вақти билан учраётганлигини хабар беришди. (*Rimoin A. W., Mulembakani P. M., Johnston S. C. et al. Major increase in human monkeypox incidence 30 years after smallpox vaccination campaigns cease in the Democratic Republic of Congo// Proc. Natl Acad. Sci. USA. – 2010. – Vol. 1. – P. 16262–16267.*)

ЖССТ маълумотларига кўра 1996-1997 йилларда маймун чечаги эпидемияси кўрсаткичи аввалги йилларга қараганда 2,5 баробаргача ошиб 73% ни ташкил қилди ва шу билан бирга юқумли кўзғатувчининг одамдан одамга ўтиши 8-авлодгача кузатилган (илгари у фақат 2-авлодгача учраган). (*Dyall J., Johnson R. F., Chen D. Y. et al. Evaluation of monkeypox disease progression by molecular imaging //J. Infect. Dis. – 2011. – Vol. 204. – P. 1902–1911.*)

Маймун чечаги-вирусли зооноз (ҳайвонлардан одамларга юқадиган вирус) бўлиб, клиник жихатдан енгил кечиши характерли бўлсада, аломатлари ўтмишда чинчечак билан касалланган беморларда кузатилган белгиларга жуда ўхшаш. Бу вирус морфологик жихатдан *Poxviridae* оиласининг *ortopoxvirus* авлодига кириб

чинчечак вируси билан бир оилага мансуб. Маймунчечак вирусининг ҳозиргача икки тури маълум бўлиб ғарбий Африка ва Конго ҳавзаси турлари фарқланади. Вирус одамдан одамга жароҳатланган тери орқали контакт, хаво-томчи махнзми орқали ўпкага ва чинсий алоқа орқали юқиши исботланган. Вирус юққандан сўнг инкубацион давр одатда 6-13 кунни ташкил қилади, лекин 5-21 кунгача чўзилиши ҳам мумкинлиги қайт этилган. Маймунчечак вирусига турли хил хайвонлар сезгирлиги аниқланган. Шунинг учун вируснинг табиий ўчоғи ва манбаи тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас, бу эса қўшимча тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. Баъзи маълумотларга кўра касалликни юқтирган хайвонларнинг чала пиширилган гўшти орқали ҳам юқиши мумкинлиги хавф омилларини янада оширади. (ЖССТ 21.05.2022)

2003 йилнинг май ойида ушбу касаллик илк бора АҚШда қайд этилган. Биринчи бемор ёш бола бўлиб, унда тана ҳарорати кўтарилган ва танасида тошмалар пайдо бўлган. Суриштирув ўтказилганда болани бозордан сотиб олинган, Ганадан келтирилган Гамбия каламуши (хомияк) тишлаганлиги аниқланган. Бир ой давомида касаллик аниқланган ҳудудда беморлар сони 71 тага кўпайган ва уларнинг барчаси Гамбия каламуши билан мулоқотда бўлганлиги аниқланган.

2005 йили касаллик Жанубий Суданда қайд этилган бўлиб, 49 ҳолат кузатилган ва генетик таҳлиллар асосида касаллик КДРдан кириб келганлиги аниқланган.

Касаллик 2017 йилнинг сентябрь ойидан 2019 йилнинг май ойигача Нигериянинг 10 дан ортиқ Жанубий ва Жанубий-Шарқий шаҳарларида қайд этилган.

2018 йилдан бошлаб, инфекция касалланган беморлар орқали европа ва осие давлатларига кириб кела бошлади. Нигериядан Буюк Британияга келган одамда касаллик аниқланган ва тезда шифохонага ётқизиблиб, бемор билан мулоқотда бўлганлар карантинга олинган. Буюк Британия иккинчи ҳолат Блэкполда қайд этилиб, кейинчалик ушбу беморни даволаган тиббиёт ходимида

ҳам касаллик тасдиқланган. 2019 йил яна Нигериядан келган 4 одамда касаллик аниқланган.

2019 йилда Сингапурда Нигериядан келган одамда касаллик аниқланган ва 22 нафар мулоқотда бўлганлар карантинга олинган, бошқа ҳолатлар қайд этилмаган.

Буюк Британияда 2021 йилнинг май-июн ойларида 3 нафар одамда касаллик қайд этилган бўлиб, Британия Соғлиқни сақлаш вазирининг маълумотига кўра биринчи бемор Нигериядан келганлиги аниқланган.

Жорий йилнинг май ойида ушбу касаллик Шимолий Американинг Канада ва АҚШ, европанинг Испания, Португалия, Буюк Британия, Германия, Италия, Бельгия, Швеция ва Франция давлатларида, бундан ташқари Австралия ва Исроил давлатларида ҳам касаллик қайд этилаётганлиги тўғрисида маълумотлар тарқалди. Бельгияда ушбу касаллик туфайли карантин эълон қилинди. ((ЖССТ 21.05.2022))

24 май куни Бирлашган Араб Амрликларида маймун чечаги билан касалланган биринчи бемор аниқланди (sputnik.uz 25.05.2022)[4].

2018 йилда Буюк Британияда қайд этилган ҳолатдан ташқари аввалги йилларда қайд этилган ҳолатларнинг барчасида касаллик ҳайвонлар билан мулоқот орқали юққанлиги келтирилган ва касаллик маълум бир кичик ҳудудда тарқалганлиги қайд этилган. 2022 йилдаги касалликни қайд этилаётган ҳудуднинг катталиги барчани хушёрликка ундаши лозим.

Клиник белгилари: Маймун чечаги қандай касаллик, одамларга қандай юқади? Маймун чечаги касаллиги табиий ўчоқли, вирус кўзғатадиган зооноз касаллик ҳисобланиб, иситмалаш, организмнинг умумий захарланиши ҳамда терида ўзига хос папула-пустулалари тошмалар тошиши билан кечадиган ўта ҳавфли юқумли касалликдир.

Касалликнинг бошланғич (яширин) даври 5-19 кун ўртача 12 кун. Касаллик ўткир бошланади, тана ҳарорати кўтарилади, бош оғриғи, мускулларда оғриқ бўлади, 90 фоиз ҳолатда лимфа тугунларини катталашиши кузатилади ва касалликнинг 3-4 куни аввал юзда кейинчалик тананинг бошқа соҳаларида

тошмалар пайдо бўлади папула-везукула-пустула ва кўтир пайдо бўлиб тушиб кетади.

Асосан ёшлар касалланиб, беморларнинг 90 фоизи тузалади, чинчечакка қарши эмланмаганларда касаллик оғир кечиб, [энцефалит](#), [менингоэнцефалит](#), зотилжам ([пневмония](#)), [сепсис](#) каби асоратлар бериши ва натижада ўлим ҳолатлари қайд этилиши мумкин.

Асосан ёшлар касалланишига сабаб ЖССТ маълумотларига кўра, 20 аснинг 80 йилларига қадар дунё бўйича барча чинчечакга қарши эмланган ва чинчечак вакцинаси маймун чечаги касаллигини тарқалишини олдини олган. Чинчечак касаллиги дунё бўйича бутунлай йўқ қилинганлиги сабабли эмлаш тўхтатилган. Бу эса эмланмаган ёшлар ва чинчечакга эмланганлар ўртасида иммунитетни пасайган катта ёшдагиларда касалликни тарқалишига сабаб бўлган.

Айни пайтда маймун чечагининг икки асосий штамми аниқланган – Марказий Африка ва Ғарбий Африка штаммлари.

Оғир ҳолатлар иммунитет танқислиги бўлган одамларда ва ёш болаларда кўпроқ учрайди. 1970-1990 йилларда 47 та ўлим қайд этилган, уларнинг барчаси ўн ёшгача бўлган болалар орасида кузатилган. Сўнгги йилларда ҳар юз беморга ўртача 3-6 ўлим тўғри келади. Ҳозирча жорий эпидемия вақтида ўлим ҳолатлари қайд этилмаган.

Бугунги кунда дунёнинг бирор давлатида юзага келган кескин вазиятларнинг салбий таъсири, қанчалик узоқ бўлсада бошқа давлатларда ҳам қайсидир жиҳатдан акс этаётганлиги гувоҳи бўлиб турибмиз, шу сабабли дунёнинг қайсидир жойида бирор касаллик бўйича эпидемик вазиятни оғирлашиши бизга таъсир қилмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ.

Касалликни юқтириб олмаслик ва ўзига, яшаб турган жамиятга ҳамда яқинларига ҳавф туғдирмаслик учун, нималарга эътибор қаратиш керак?

Имкон қадар Маймун чечаги касаллиги учун эпидемиологик ноҳуш давлатларга бормаслик;

Хизмат сафари ёки бошқа муҳим топшириқлар юзасидан борган тақдирда, ҳайвонлар (маймунлар, каламушлар) билан имкон қадар мулоқатда бўлмаслик,

жамоат жойларда имкон қадар камроқ бўлиш, қўл гигиенаси ва шахсий гигиенага қатъий риоя қилиш;

Тана ҳарорати кўтарилган ёки тошмалар тошган йўловчилар билан бирга ҳаракатланишга тўғри келганда имкон қадар санитария-муҳофаза масофани сақлаш, тиббий ниқоблардан фойдаланиш, қўлларни зарарсизлантирувчи воситалар билан зарарсизлантириш;

қўлларни зарарсизлантирувчи воситалар билан тез-тез зарарсизлантириш; хизмат ёки бошқа мақсадларга касаллик қайд этилаётган чет давлатларга бориб-келувчи аҳоли, тиббиёт ходимлари ва чегараларда фаолият кўрсатаётган ходимлар, ҳаво йўллари, темир йўл хизмати мутахассислари учун “Маймун чечаги” касаллиги клиникаси, эпидемиологияси ва профилактикаси бўйича семинарлар ўтказиш;

Профилактикаси: Маймун чечаги касаллигига чалинган (гумон қилинган) беморлар дарҳол юқумли касалликлар шифохонасига, гумон қилинганлар бўлса, улар провизор госпиталга, мулоқотда бўлганлар эса изоляторга ётқизиш бемор тўлиқ тузалгунга қадар даволаш, мулоқотда бўлганларни 17 кун давомида изоляция қилиш, чин чечакка қарши эмлаш (қайта эмлаш) ва тиббий кузатувга олиш юзасидан кўрсатмалар бериш;

Аҳоли ўртасида “Маймун чечаги” касаллиги юқишининг олдини олиш ишлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш.

Машҳур вирусолог Пиет Маеснинг фикрича 1981 йилгача давом этган чечакка қарши эмлаш натижасида 50 ёшдан ошганлар иммунитетга эга. Бошқалар учун хавф жуда паст. «Дунёда бу касалликнинг бир неча эпидемияси мавжуд. Конгода одатда йилига бир неча мингга яқин касаллик ҳолатлари қайд этилади, аммо Европада вирус истисно ҳолларда пайдо бўлади. Бу, айниқса, қизиқарли илмий ҳодиса, аммо ташвишланиш шарт эмас. Чечак - жиддий касаллик, аммо ваҳимага асос йўқ, - дейди П. Маес. Ёшлар учун эмлаш бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин, аммо уни бошлаш учун ҳали ҳеч қандай сабаб кўзга ташланмаяпти. Бельгиялик вирусологнинг таъкидлашича, эмлаш

фақатгина касалланишлар сони экспонент равишда ўсиб бораётган тақдирдагина керак.

Хулоса: маймун чечаги вируси эндемик ўчоқли касаллик бўлиб, конго ва ғарбий Африка давлатлари тропик нам ўрмонларида тарқалган. Касалликнинг юқиш йўли бевосита ва билвосита контакт, ҳаво-томчи ва жинсий алоқа орқали амалга ошади. Касаллик ҳозирги кунда дунёнинг 15 га яқин ноэндемик давлатларида учраётганлиги илмий изланишлар олиб боришни ва эпидемиологик назоратни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. (Ellis C. K., Carroll D. S., Lash R. R. et al. Ecology and geography of human monkeypox case occurrences across Africa // J. Wildl. Dis. – 2012. – Vol. 48, N 2. – P. 335–347.)
2. (Rimoin A. W., Mulembakani P. M., Johnston S. C. et al. Major increase in human monkeypox incidence 30 years after smallpox vaccination campaigns cease in the Democratic Republic of Congo// Proc. Natl Acad. Sci. USA. – 2010. –Vol. 1. – P. 16262–16267.)
3. (Dyall J., Johnson R. F., Chen D. Y. et al. Evaluation of monkeypox disease progression by molecular imaging //J. Infect. Dis. – 2011. – Vol. 204. – P. 1902–1911).
4. (sputnik.uz 25.05.2022)
5. (ЖССТ 21.05.2022)

TABLE OF CONTENTS / ОГЛАВЛЕНИЯ / MUNDARIJA

№	The subject of the article / Тема статьи / Maqola mavzusi	Page / Страница / Sahifa
1	XALQ DOSTONLARIDA MO'JIZAVIY TUG'ILISH	3
2	BOSHLANG'ICH O'QUVCHILAR UCHUN YANGI INTEGROSTYALAR BILIM MANBALARI	8
3	BOSHLANG'ICH O'QUVCHILAR UCHUN YANGI INTEGROSTYALAR BILIM MANBALARI	11
4	BIOLOGIYA FANINING O'QITISHDA INNOVATSION METODLAR	16
5	BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA FANINI O'QITISHDA ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	19
6	BOSHLANG'ICH SINFLARDA ONA TILI DARSLARIDA ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASHNING METODIK USULLARI	29
7	ONA TILI VA ADABIYOTNING BOSHLANG'ICH SINFLARGA AHAMIYATI	34
8	DIGITIZATION IN THE DEVELOPMENT OF THE ELECTRONIC LABOR MARKET	38
9	ТУРИЗМ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	43
10	IMPLEMENTATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE HEALTHCARE SYSTEM	49
11	O'ZBEKISTONNING TA'LIM SOHASIDA TANLAGAN YO'LI CHET EL OYDINLARI NIGOHIDA	58
12	MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA TA'LIMY O'YIN FAOLIYATI ORQALI ALGORITMIK KO'NIKMALARNI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI	63
13	BOSHLANG'ICH TA'LIM O'QUVCHILARINING MA'NAVYI ONGINI SHAKLLANTIRISHDA XALQ OG'ZAKI IJODINING RO'LI	68
14	BOLALARDA RAXID KASALLINI ANIQLASH VA TASHXIS QO'YISH DAVOLASH USULLARI	73
15	RUXIY ZO'RIQISHLAR DIPRETSIYA VA IMUNRUXIY KASALLIKLARNI DAVOLASH	77
16	РАЗРАБОТКА И РЕАЛИЗАЦИЯ АЛГОРИТМА СТЕММАТИЗАЦИИ И ГЕНЕРАЦИИ СЛОВОФОРМ ДЛЯ СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА	81
17	“МАЙМУН ЧЕЧАГИ” КАСАЛЛИГИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ	88
18	ОПТИМИЗАЦИЯ ТЕРАПИИ ПРИ ИДИОПАТИЧЕСКОЙ НИЗКОРОСЛОСТИ	95
19	“BOSH” KOMPONENTLI FRAZEOLOGIZMLARNING NAVOIY SHE'RIY ASARLARIDA QO'LLANGAN QO'LLANISHI	97